

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**7-сон**  
**(143)**  
**2005 й.**  
**февраль**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

54. «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон қарори

*Учинчи бўлим*

55. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори
56. «Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизми амалга киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори
57. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 64-сон қарори
58. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 65-сон қарори

59. «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

60. Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, гўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 7 январдаги 1/7, 47, 16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 12 февралда 1449-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
61. «Минерал ўғитлар (аммиакли селитрадан ташқари), дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш бўйича ярмарка савдоларини ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 14 декабрдаги 48-сон, 125-сон, 02-20/102-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 16 февралда 1450-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
62. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 14 декабрдаги 49-сон, 124-сон, 15/1378-сон, 02-20/101-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 16 февралда 1451-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
63. «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2005 йил 7 январдаги 3-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 16 февралда 1452-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 12 февралдан 18 февралгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **54 Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш мақсадида:

1. «Уйжойжамғармабанк» ва «Замин» банки акциядорларининг мазкур банкларни бирлаштириш ва улар асосида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйдагилар банкнинг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш;

якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга кредит олишда кўмаклашиш;

уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан кредитларни, шунингдек халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш;

республика минтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шохобчасини ривожлантириш;

замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Халқаро ва хорижий молиявий институтларнинг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари ва инвестициялари, шунингдек республика давлат бюджети маблағлари Фондни шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги таклифни, шунингдек Жамғармани шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсинлар.

3. Белгилансинки, ипотека уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш учун Жамғарма «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкида, ипотека кредити бериш дас-турида қатнашувчи бошқа банкларда шартнома асосида кредит линиялари очади ва кейинчалик улар якка тартибдаги уй-жой қурувчиларга:

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, қури-

лаётган уй-жой (бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилиш объектлари) жойлашган ер участкаси билан бирга гаровга қўйилганда кредит беради;

ипотека кредити бериш муддати — икки йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил бўлган;

олинадиган кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига кўпи билан 5 фоиз бўлган;

уй-жой қурувчининг дастлабки бадали мажбурий миқдорига қўйиладиган — талаблар — кўпи билан 20 фоиз бўлган шартлар асосида кредит беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ипотека-банк» ва тижорат банклари билан биргаликда уй-жой қурилишига ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий миллий молиявий институтларнинг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, грантлари ва инвестицияларини жалб этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилги Инвестиция дастурида кўзда тутилган 2 миллиард сўм миқдоридagi маблағни сертификатли уй-жой қурилишини ривожлантириш учун Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда 3 ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар:

«Ипотека ва уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси;

Уй-жой қурилиши, турар-жойларни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тўғрисидаги низом.

Шу билан бирга ушбу ҳужжатларда ипотека кредитлари ажратишнинг пухта ва очиқ-ошқора механизми, кредит тўланмаган тақдирда низоларни ҳал этиш, мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши ва уйдан кўчириш, кредиторларнинг зарарларини кафолатли қоплаш ва бошқа масалалар назарда тутилсин.

7. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 январигача тижорат банкларининг ипотекага қўйилган мол-мулкни сотишдан ва берилган ипотека кредитларидан олинган даромади даромад (фойда) солиғидан озод этилади.

8. 2010 йилгача бўлган даврда уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда 2010 йилгача бўлган даврда минтақаларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, унда:

ер участкалари ажратиш ва яқка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларини комплекс ҳолда барпо этиш;

яқка тартибдаги уй-жой қурилиши янги массивларини маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига зарур муҳандислик коммуникациялари билан таъминлаш;

яқка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг маҳаллий қурилиш материаллари ва конструкцияларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш;

реконструкция қилинадиган ёки бузиладиган уй-жой фондини аниқлаган ҳолда оммавий сериядаги илгари қурилган кўп хонадонли уйларни реконструкция қилишни назарда тутсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 февраль,  
ПҚ-10-сон

**2010 йилгача бўлган даврда уй-жой қурилиши ва уй-жой  
бозорини ривожлантириш тадбирлари**

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддатлари	Хужжат тури	Масъул ижрочилар
<b>I. Норматив-ҳуқуқий таъминлаш</b>				
1.1.	«Ипотека ва уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тайёрлаш	уч ой муддатда	Қонун лойиҳаси	Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, Адлия вазирлиги, тижорат банклари
1.2.	Уй-жой қурилиши, турар-жойларни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тайёрлаш	уч ой муддатда	Низом лойиҳаси	Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, Адлия вазирлиги, тижорат банклари
1.3.	Якка тартибда уй-жой қурилиши тўғрисидаги муваққат низомни ишлаб чиқиш	2005 йил март	Муваққат низом лойиҳаси	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
1.4.	Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тайёрлаш	2005 йил март	Низом лойиҳаси	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
1.5.	Солиқ кодекси ва Ер кодексига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш	2005 йил апрель	Қонунлар лойиҳалари	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Адлия вазирлиги
1.6.	Уй-жой қурилишига узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш	2005 йил III чорак	Норматив хужжатлар лойиҳалари	Марказий банк, тижорат банклари, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
1.7.	Амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига, қурилиш ва уй-жойларни реконструкция қилишни тартибга солувчи бошқа норматив хужжатларга ўзгартиришлар киритиш	2005 йил III чорак	Норматив хужжатлар	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
1.8.	Давлат ва минтақавий даражаларда уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган комплекс чора-тадбирларнинг ҳуқуқий таъминоти тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш	2005 йил март	Таклифлар	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддатлари	Хужжат тури	Масъул ижрочилар
<b>II. Ташкилий-амалий чора-тадбирлар</b>				
2.1.	2010 йилгача бўлган даврда аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқиш	2005 йил апрель	Тадбирлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.2.	Якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаси олишни хоҳловчи ҳамда муниципал уй-жой фонди ва мақсадли коммунал уй-жой фондидаги квартиралар олишни хоҳловчи ариза берувчиларни ажратган ҳолда аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш учун мавжуд навбат тартибини хатловдан ўтказиш	уч ой муддатда	Навбатда турганлар рўйхати	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.3.	Бўш ётоқхоналар ва тугалланмаган курилиш объектларини хатловдан ўтказиш ҳамда булар асосида уларни уй-жойларга қайта ихтисослаштириш учун фойдаланиш бўйича таклифлар киритиш	уч ой муддатда	Таклифлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат статистика кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
2.4.	Уй-жой курилиш соҳасидаги консалтинг ва ахборот инфратузилмаларини шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритиши бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш	Мунтазам		Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Давлат мулки кўмитаси
2.5.	Якка тартибдаги уй-жой курилишида ер участкалари ажратиш механизмини такомиллаштириш ва ер муносабатларини тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	2005 йил март	Норматив ҳужжатлар лойиҳалари	«Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, вилоятлар ҳокимликлари
2.6.	Якка тартибдаги уй-жой курилиши учун ажратилган ерларни хатловдан ўтказиш, уларнинг тулиқ курилиши учун амалий чора-тадбирлар кўриш, уй-жой курилиши дастури бўйича ерлар ажратиш	2005 йил июль	Тадбирлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Давлат мулки кўмитаси, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
2.7.	Уйлар (квартиралар)ни баҳолаш ва қайта баҳолаш тизимини тартибга солиш, бу соҳадаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	2005 йил март	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	Давлат мулки кўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Адлия вазирлиги
2.8.	Қишлоқ жойлари учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тақрор қўлланиладиган лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	уч ой муддатда	Намунавий лойиҳалар	«Давархитектқурилиш» кўмитаси,
2.9.	Кўчмас мулк бозори фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	2005 йил март	Таклифлар	Давлат мулки кўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **55** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 24 апрелдаги ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф–2118-сон фармойишини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — комплекслар раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Ахборот-таҳлил департаментлари мудирлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган раҳбарлар уларга берилган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ва республика Ҳукуматига киритилаётган таклифлар ҳамда Ҳукумат қарорлари лойиҳаларининг сифати, уларнинг иқтисодий ва молиявий асосланиши, марказий иқтисодий органларда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, шунингдек тегишли вазирликлар ва идораларда келишилиши учун шахсан жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилаётган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тизимли асосда танқидий ва ҳар томонлама экспертизадан ўтказсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари (Р.С. Азимов), Бош вазир ўринбосарлари вазирликлар, идоралар ва ҳудудий бошқарув органларининг иши пухта мувофиқлаштирилишини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминласинлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилиши ҳолатларига принципаал баҳо берсинлар, масъулиятсизлик, ишни яхши билмаслик ва интизомсизлик учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари тўғрисида таклифлар киритсинлар.

5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби тўғрисида» 1999 йил 2 февралдаги 47-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 7-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг



Иш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 июндаги 193-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 29-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига илованинг 16-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 14 февраль,  
62-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг РЕГЛАМЕНТИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ваколатларини амалга ошириш юзасидан унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

3. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

4. Вазирлар Маҳкамаси ваколатларининг амалга оширилиши Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати, Вазирлар Маҳкамасининг дои-

мий, муваққат комиссиялар ва бошқа ишчи органлари фаолияти, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппарати иши билан таъминланади.

5. Вазирлар Маҳкамасида унинг ваколатларига тегишли масалалар Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раёсати мажлисларида, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари (вазифалар тақсимотига мувофиқ) томонидан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган доимий, муваққат комиссиялар ва бошқа ишчи органлар мажлисларида манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

6. Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқишни талаб қилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

8. Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислари, тегишли қарорлар лойиҳалари, таҳлилий, ахборот ва бошқа материаллар тайёрлаши ва ташкил этилишини таъминлайди, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб ва текшириб боради.

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ва унинг таркибий бўлинмалари иш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Бош вазир котибияти, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимлари иши Аппарат Раҳбари томонидан мувофиқлаштириб борилади.

9. Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

## **II. Вазирлар Маҳкамаси ишини ташкил этиш**

10. Вазирлар Маҳкамаси ўз ишини:

Ўзбекистон Республикаси қонунларини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда унинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидаги, бошқа муҳим тадбирлардаги нутқларида, шунингдек кўрсатмалар ва топшириқлар сифатида ифодаланган сиёсатни амалга оширишга йўналтиради.

Вазирлар Маҳкамасининг иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан келиб чиқувчи вазифалар асосида шакллантирилган чораклик режаларга мувофиқ олиб борилади.

11. Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги чорак учун иш режаси:

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини ўтказиш режасини;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларини ўтказиш режасини;

тармоқларда, иқтисодиёт соҳаларида ва минтакаларда иқтисодий ислохотларнинг бориши масалаларини Бош вазир ўринбосарлари ҳузурида кўриб чиқиш режасини;

Вазирлар Маҳкамасининг доимий, муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари мажлисларининг календарь режасини ўз ичига олади.

12. Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари қуйидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади:

тармоқларда, иқтисодиёт соҳаларида ва ижтимоий соҳада, шунингдек республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши аҳолини танқидий ва тизимли таҳлил қилиш;

ислохотлар жараёнларига тўсқинлик қилаётган камчиликлар ва муаммолар сабабларини тизимли таҳлил қилиш;

муаммоли масалалар ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган ва асосланган таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш.

13. Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланади.

14. Вазирлар Маҳкамаси иш режаларини тайёрлаш, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимларнинг, шунингдек улар раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳар чораклик иш режалари белгиланган тартибда тасдиқланади.

### **III. Вазирлар Маҳкамасига масалаларни киритиш, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамасида тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби**

16. Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун билан унинг ваколатига киритилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган масалалар киритилади.

Муҳим давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилади, улар кўриб чиқиш учун Бош вазир ўринбосарлари томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

17. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони томонидан юборилган бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади ва бажарилади.

18. Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилиши мумкин.

19. Ушбу Регламентнинг 16-бандида назарда тутилмаган масалалар бўйича ёки ушбу Регламентнинг 18-бандида кўрсатилмаган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан киритилган мурожаатномалар Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўриб чиқиш ва уларнинг ваколатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш учун юборилади.

20. Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун масалалар белгиланган тартибда, қоида тарикасида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари (кейинги ўринларда ҳужжатлар лойиҳалари деб аталади) шаклида киритилади.

21. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, киритиш, келишиш ва кўриб чиқишга тайёрлаш ушбу боб ҳамда мазкур Регламентнинг IV ва V боблари талабларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Ўйриқномага мувофиқ амалга оширилади.

22. Лойиҳалар аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, кўриб чиқиладиган масаланинг пухта таҳлилини ва ҳолис баҳосини ўзига олган бўлиши, ижрочилар олдида аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши керак.

Тайёрланаётган лойиҳа бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблашни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки у билан айна бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади. Бу ҳолда унга ҳужжат матнининг амалдаги ва таклиф этиладиган таҳрирининг тегишли қиёсий жадваллари тушунтиришлар билан илова қилинади.

23. Айнан шу масалалар бўйича илгари қабул қилинган қарорлар бажарилмаган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига ана шу масалалар бўйича қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари киритилишига йўл қўйилмайди, янги вазиятлар пайдо бўлган ҳоллар бундан мустасно.

24. Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига жавоб бериши керак.

25. Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида назарда тутилган материаллар илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

26. Ҳужжатлар лойиҳасининг тегишли органлар ва ташкилотларда келишиб олиниши учун жавобгарлик ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритаёт-

ган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи биринчи раҳбарига ёки ушбу Регламентнинг 18-бандида кўрсатилган шахслар жумласига кирувчи бошқа раҳбарга юкланади. Келишиб олиш учун юборилган ҳужжатлар лойиҳаларига (уларнинг нусхаларига) тегишли органлар ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан: қонун лойиҳалари бўйича — 7 календарь кун мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари бўйича — 3 календарь кун, Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари лойиҳалари бўйича кўпи билан 2 календарь кун мобайнида розилик имзоси қўйилади.

27. Ҳужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ҳужжат лойиҳаси келишмовчиликлар билан бирга фақат мулоҳазалари бўлган тегишли биринчи раҳбарлар (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзолаган асосланган ёзма мулоҳазалар билан бирга Вазирлар Маҳкамасига киритилиши мумкин.

Ҳал қилинмаган келишмовчиликлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиладиган мулоҳазалар тегишли раҳбарларнинг ўринбосарлари томонидан имзоланиши мумкин эмас.

28. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари улар мазкур Регламентнинг 26-27-бандларига мувофиқ келишилгандан кейин Вазирлар Маҳкамасига киритилгунга қадар уларни қабул қилиш зарурлиги асослари (шу жумладан қонун лойиҳаси концепцияси, тегишли қиёсий жадваллар) ва келишмовчиликлар (улар мавжуд бўлган тақдирда) бўйича ёзма мулоҳазалар илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хулоса бериш учун юборилади, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ички қарама-қаршиликлар ва нуқсонлар йўқлиги, шунингдек юридик техника қоидаларига риоя қилинганлиги юзасидан баҳо беради.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бош вазир, унинг ўринбосарлари топшириқлари билан киритиш муддатлари белгиланмаган бўлса, мазкур бандга мувофиқ хулоса тайёрлаш муддати катта ҳажмли ва мураккаб ҳужжатлар лойиҳалари учун 10 кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

29. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, шунингдек уларнинг манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан тегишли равишда келишиб олиниши учун шахсан жавоб берадилар.

30. Мазкур Регламент талабларига риоя қилинмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳалари қуйидаги тартибда қайтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларини, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш юзасидан киритилган ҳужжатлар лойиҳалари тушган санасидан бошлаб 2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда, қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда, фақат тегишли равишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари қарорига кўра қайтарилиши мумкин.

Мазкур Регламент талабларига риоя қилинмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритилган бошқа ҳужжатлар лойиҳалари 2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда, қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда, Бош вазирнинг тегишли ўринбосари билан ке-

лишган ҳолда ахборот-таҳлил департаментлари ёки бўлимлар томонидан қайтарилади.

Ҳужжатлар лойиҳалари тушган санадан бошлаб 2 кунлик муддат тамом бўлгандан кейин фақат Бош вазир ва унинг ўринбосарлари қарорига кўра қайтарилиши мумкин.

Бундай ҳуқуқ берилмаган шахслар имзолаган ҳолда тушган лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти ёки бўлими мудирлари томонидан жўнатувчига қайтарилади.

31. Мазкур Регламентда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишга тайёрлаш Вазирлар Маҳкамаси Аппарати томонидан 10 кун муддатда амалга оширилади. Ушбу муддатни узайтиришга фақат Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Аппарат Раҳбари рухсатига кўра йўл қўйилади.

#### **IV. Иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарали фаолият кўрсатишининг муҳим ва устувор масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, киритиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиб олиш тартиби**

32. Иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарали фаолият кўрсатишининг муҳим ва устувор масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф–2118-сон фармойишида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий равишда келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида улар бўйича топшириқлар берилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари ҳам киритилади.

#### **V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва имзолаш тартиби**

33. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қабул қилинади.

34. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ ёхуд ташаббус кўрсатиш тартибида ишлаб чиқилади.

35. Ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда амалга оширилади. Ишлаб чиқилган лойиҳалар белгиланган тартибда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамда мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.



Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларини ва тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, республика бюджетидан маблағлар ажратиш билан боғлиқ қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишли равишда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича эса — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишилиши керак.

36. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг келишилган лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисидаги топшириқнома билан бирга (у мавжуд бўлганда), Умумий бўлимда тегишли равишда рўйхатдан ўтказган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Аппаратига киритилади.

37. Ҳукумат қарори лойиҳасига мажбурий тартибда мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати, шунингдек зарур ҳисоб-китоблар ва кўриб чиқиш материаллари, тақдим этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш оқибатлари баҳоси илова қилинади.

Тушунтириш хати бош ишлаб чиқувчи вазирлик, идоранинг биринчи раҳбари томонидан имзоланади.

38. Умумий бўлимда рўйхатдан ўтказилиб киритилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари ишлаш учун Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига берилади.

39. Ахборот-таҳлил департаменти лойиҳани экспертизадан ўтказди, зарурат бўлганда, ҳужжатни киритган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа устида қўшимча ишлайди ҳамда билдирилган мулоҳазаларни бартараф этади.

Салбий хулосага келганда Ахборот-таҳлил департаменти мазкур лойиҳани қабул қилишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини асословчи хулосани тайёрлайди.

40. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Ахборот-таҳлил департаменти мудирини Бош вазирнинг мутасадди ўринбосарига ахборот беради.

Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари Ахборот-таҳлил департаментининг салбий хулосасига розилик билдирган тақдирда Ҳукумат қарори лойиҳаси унга хулосани ва Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари тегишли топшириғи илова қилинган ҳолда белгиланган тартибда қайтарилиши керак.

Хулоса ижобий бўлганда ва Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари маъқуллаган тақдирда Ахборот-таҳлил департаменти Бош вазир ўринбосарлари томонидан лойиҳага розилик имзоси қўйилишини ташкил қилади.

41. Ахборот-таҳлил департаменти Бош вазир ўринбосарлари билан келишилган Ҳукумат қарори лойиҳасини Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаментига экспертизадан ўтказиш учун тақдим этади.

42. Йиғма ахборот-таҳлил департаменти Ҳукумат қарори лойиҳасини республиканинг давлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий самарадорлик ва ундаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан мувофиқлаштириш нуктаи назардан пухта экспертизадан ўтказди.

Эксперт хулосаси салбий бўлган тақдирда Йиғма ахборот-таҳлил департаменти лойиҳани пухта ишлаш учун тегишли Ахборот-таҳлил департаментига қайтаради.

Хулоса ижобий бўлган тақдирда Йиғма ахборот-таҳлил департаменти лойиҳани кўриб чиқиш учун Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига киритади.

43. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари розилик берган тақдирда Йиғма ахборот-таҳлил департаменти розилик имзоси қўйилган лойиҳани тегишли Ахборот-таҳлил департаментига уни Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига киритиши учун қайтаради.

44. Бош вазир ўринбосарлари ўртасида мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари лойиҳани кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритади.

45. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари томонидан мулоҳазалар билдирилган тақдирда лойиҳа пухта ишлаб чиқилади ва кўриб чиқиш учун такроран киритилади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари ўртасида мулоҳазалар сақланиб қолган тақдирда Бош вазир узил-кесил қарор қабул қилади.

46. Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари лойиҳани кўриб чиқади ва лойиҳа тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга ахборот беради.

47. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисига киритилади.

48. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари (алоҳида ҳолларда эса — фармойишларнинг ҳам) лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири (Вазирлар Маҳкамаси мажлиси) томонидан маъқуллангандан кейин келишиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилади.

49. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида келишишни талаб қилмайдиган қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади.

50. Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари имзоланиши ёки келишилиши керак бўлган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини Бош вазирнинг розилик имзоси билан, алоҳида ҳолларда эса — Бош вазирнинг (ёки Бош вазир тегишли ўринбосарининг — тўғридан-тўғри топшириқ мавжуд бўлганда) мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асословчи ахборот хати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли давлат маслаҳатчилари хизматида киритади.

51. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиларининг хизматлари Ҳукумат қарорларининг киритилган лойиҳаларини муфассал ўрганиб чиқадилар ва улар юзасидан хулосалар тайёрлайдилар.

52. Белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий равишда келишиб олиниши белгилаб қўйилган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари умуман ёки уларнинг тегишли принципал параметрлари кўриб чиқиш материаллари билан Давлат маслаҳатчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилади.

53. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мулоҳазалар билдирилган тақдирда давлат маслаҳатчилари хизматлари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати билан биргаликда Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини пухта ишлаб чиқадилар, шундан кейин улар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига такроран ахборот берилади.

54. Киритилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган тақдирда улар имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади.

## **VI. Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш**

55. Вазирлар Маҳкамаси мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири



раислик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқига эга.

56. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган масалалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарорларига мувофиқ бошқа масалалар кўриб чиқилади.

57. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти, ахборот-таҳлил департаментлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа марказий иқтисодий идоралар Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва Аппарат Раҳбари раҳбарлигида давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда амалга оширадилар. Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширадилар.

58. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа марказий иқтисодий идоралар мажлисининг эълон қилинган ўтказилиш санасидан камида 15 кун олдин Вазирлар Маҳкамасига кун тартиби, уни муҳокама қилиш тартиби лойиҳаларини ҳамда маълумотномаларни, тегишли таҳлилий материалларни (шу жумладан жадвалларни), Вазирлар Маҳкамаси мажлиси протоколи лойиҳасини киритадилар.

59. Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти тегишли ахборот-таҳлил департаментлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан киритилган материалларни экспертизадан ўтказиш ҳамда ҳудудлардаги ишларнинг аҳолини ўрганиш натижаларини ва марказий иқтисодий идоралар ва бошқа органлар томонидан тақдим этилган бошқа материалларни ҳисобга олган ҳолда пухталаштиради.

60. Пухта ишлаб чиқилган материаллар Бош вазирнинг биринчи ўринбосари билан келишилади ва Аппарат Раҳбарига тақдим этилади. Материаллар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга ахборот берилади ва мажлисининг эълон қилинган ўтказилиш санасидан камида 12 кун олдин Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида кўриб чиқиш учун киритилади.

61. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан кўриб чиқилган материаллар Раёсат аъзолари билдирган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда пухта ишлаб чиқилади ва мажлис ўтказиладиган санадан камида 10 кун олдин Бош вазирга ахборот бериш учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати билан ушбу Регламентнинг IV ва V бобларида белгиланган тартибда келишиб олиш учун тақдим этилади.

62. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ушбу Регламентнинг III боби талабларига мувофиқ тайёрланган бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳалари келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига улар Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилишидан камида 2 ҳафта олдин тақдим этилади.

63. Вазирлар Маҳкамаси мажлисига таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхатлари Бош вазир ва Аппарат Раҳбари томонидан белгиланади.

64. Вазирлар Маҳкамаси мажлисига Конституциявий суд раиси, Бош прокурор, Олий суд раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг ташкилий-назорат хизмати раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўмиталари раислари доимий равишда таклиф этиладилар. Бошқа мансабдор шахслар мажлисга фақат уларга дахлдор масалалар бўйича таклиф этиладилар.

65. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида масалалар тўғрисида Бош вазир ўринбосарлари, Аппарат Раҳбари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари, идоралар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ахборот-таҳлил департаментлари ва бўлимлар мудирлари ахборот берадилар.

66. Мажлисларда қарорлар Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг кўпчилики овози билан қабул қилинади.

67. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қабул қилинган қарорлар баён билан расмийлаштирилади.

Мажлис баёни Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти ва Умумий бўлим томонидан мажлис тугагандан кейин бир сутка муддатда Аппарат Раҳбари ва Бош вазирнинг биринчи ўринбосари раҳбарлигида расмийлаштирилади ҳамда мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган мажлис баёни Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолашига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизматида тақдим этилади.

Бош вазир раислигида ўтказилган мажлис баёни имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун ушбу Регламентнинг IV ва V бобларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизматида тақдим этилади.

68. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати таркибига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ишчи органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий ишлайдиган органи сифатидаги Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлислари ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан ўтказилади.

69. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ташкил этиш масалалари ва Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига қирувчи масалалар киритилади, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бундан мустасно.

70. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

71. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида қабул қилинган қарорлар баён шаклида чиқарилади, уларнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир котибиятига, Бош вазир ўринбосарларига ва ахборот-таҳлил департаментлари мудирларига юкланади. Баён мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади.

#### **VII. Вазирлар Маҳкамаси қарорларини расмийлаштириш, жўнатиш, эълон қилиш ва уларнинг кучга кириши**

72. Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисларида муҳокама этиш давомида мулоҳазалар билдирилган, қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар лойиҳалари тегишли ахборот-таҳлил департаментлари ва бўлимлар ёки мажлисларда тузилган комиссиялар (ишчи органлар) томонидан пухта ишланади ҳамда, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, мажлисдан кейин иккинчи кун имзолашга тақдим этилади. Лойиҳаларга киритиладиган ўзгартиришлар Бош вазирнинг тегишли ўринбосарлари билан келишилиши керак.

Пухта ишланган лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга ахборот бериш учун Аппарат Раҳбарига тақдим этилади.

73. Аппарат Раҳбари Бош вазир томонидан имзоланган Вазирлар Маҳкамаси қарорларига сана қўяди, уларнинг асл нусха эканлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди ҳамда чиқарилишини ташкил қилади.

Ҳужжатнинг чиқарилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар аниқланганда, Аппарат Раҳбари улар тўғрисида Бош вазирга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисига ахборот беради ва улар томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ иш тутати.

74. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари улар имзоланган сана бўйича расмийлаштирилади ҳамда тегишли Ахборот-таҳлил департаментлари ва бўлимлар томонидан тузиладиган жўнатиш рўйхати бўйича дарҳол ижрочиларга юборилади.

75. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламида ва Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.

76. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар ушбу ҳужжатларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорларида уларни амалга киритиш муддатлари кўрсатилади.

77. Республикани кенг ва тезкорлик билан таништириш зарур бўлганда қарорлар ва фармойишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Бош вазирнинг топшириғига биноан матбуотда эълон қилинади, телевидение ва радио орқали эшитирилади.

#### **VIII. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш тартиби ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат ваколатларининг амалга оширилиши**

78. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси мажлис қарорларидаги топшириқларнинг ҳамда Ҳукумат қарорларининг, шунингдек Бош вазир ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг бажарилишини ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

79. Вазирлар Маҳкамасига тушган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўғрисида дарҳол Бош вазирга ахборот берилади ва улар юзасидан ҳужжатларнинг масъул ижрочиларига топшириқлар расмийлаштирилади.

80. Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ҳужжат юборилган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида бажарилиши керак.

81. Қонун ҳужжатларини ва Ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган қонунларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан, агар амалга киритиш тўғрисидаги ҳужжатда бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, бир ой мобайнида бажарилиши керак. Мазкур топшириқларни бажариш ушбу қонунларни тайёрлаган вазирликлар, идоралар, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари (бўлимлари)-га Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасининг юридик бўлими билан биргаликда юкланади.

82. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасига берилган топшириқни бажариш натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига Бош вазир ёки Бош вазирни тегишли равишда хабардор қилган ҳолда унинг ўринбосарлари томонидан (тўғридан-тўғри топшириқ мавжуд бўлганда) имзоланган тегишли ҳужжат (ёзма ахборот, тегишли ҳужжат лойиҳаси) юборилади.

83. Бажариш муддатлари фақат топшириқни имзолаган раҳбар томонидан узайтирилиши мумкин.

84. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, мажлис қарорлари ва топшириқларининг бажарилишини ва назорат қилишни ташкил этиш:

Бош вазирнинг тегишли ўринбосарлари томонидан;

республика, тармоқ ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор масалалари, шунингдек узоқ даврга мўлжалланган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан амалий чора-тадбирларни тасдиқланган муддатларда амалга ошириш;

уларнинг бажарилишини вазирликлар, идоралар, бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органлари ва маҳаллий ҳокимият органларида, бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда мақсадли ўрганиш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан қабул қилган ўз қарорларининг бажарилишини кўриб чиқиш;

республика тармоқлари ва ҳудудларидаги ишларнинг аҳволини комплекс ўрганиш, уларнинг яқунларини Вазирлар Маҳкамаси комплекслари мажлисларида кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, мажлис қарорлари ва топшириқларида қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсан жавобгарлик чораларини кўриш билан таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида назорат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ушбу Регламент ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига мувофиқ амалга оширилади.

85. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича топшириқларнинг бажарилиши, давлат бюджетининг ижроси, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боради, уларнинг сўзсиз рўёбга чиқарилишини таъминлаш чораларини кўради.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасида ўтказиладиган мажлислар ва йиғилишларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари билан келишган ҳолда таклиф этилади, ушбу Регламентнинг VI бобидан назарда тутилган мажлислар бундан мустасно.

86. Вазирлар Маҳкамасининг бажарилган қарорлари ва фармойишларини назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан қабул қилинади.

#### **IX. Вазирлар Маҳкамасининг доимий, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари**

87. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан унинг доимий ва муваққат комиссиялари, шунингдек бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

88. Доимий ва муваққат комиссиялар мажлислари Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чораклик иш режалари асосида ўтказилади.

#### **X. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш**

89. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминлайди.

90. Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом билан белгиланади.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚАРOPИ

**56** **Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 28 августдаги 409-сон қарорига мувофиқ ҳамда ташқи савдо битишувлари шартларига мувофиқ енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисида сертификат берганлик учун тўлов кунда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йигим ундирилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори 9-бандининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 62-модда) учинчи хатбошидаги «гувоҳномалар» сўзи «сертификатлар» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 15 февраль,  
63-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарорига  
ИЛОВА

**Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом ташқи савдо битишувлари ва халқаро шартномалар (кейинги ўринларда шартнома деб юритилади) шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари — бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш



риш имконини бермайдиган фавқулдда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

3. Енгиб бўлмайдиган кучлар оқибатида шартнома томони мажбуриятларни бажариши учун имконият бўлмаганда шартнома томони енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари тасдиғини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) мурожаат қилиши мумкин.

4. Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш манфаатдор томоннинг енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари кўрсатилган ёзма аризаси асосида Агентлик томонидан тегишли сертификат бериш йўли билан амалга оширилади.

Аризага белгиланган тартибда тасдиқланган шартномалар ҳамда шартномага спецификациялар нусхаси, шартнома бўйича бажарилган мажбуриятлар ҳажмлари тўғрисида маълумотлар, енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисида сертификат олиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси илова қилинади.

Ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита Агентликка тақдим этилади ёки почта орқали юборилади.

5. Агентлик олинган ариза асосида давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органларидан енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари мавжудлигини тасдиқлаш учун зарур ахборотни сўрайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари Агентлик сўровномаси тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида сўралаётган ахборотни ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

6. Сертификат ариза берувчига мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар билан ариза берилган кундан бошлаб йигирма иш куни мобайнида берилади.

7. Сертификатда шартнома томонларининг номи, унинг тартиб рақами ва тузилган санаси, енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари тавсифи, улар содир бўлган жой, вақт, давр кўрсатилади. Сертификат Агентлик муҳри билан тасдиқланади.

8. Ариза берувчининг ёзма мурожаатига кўра сертификат дубликати берилиши мумкин.

Сертификат дубликати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган сертификат ўрнига берилади. Сертификат дубликатини беришда сертификат берганлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Сертификат дубликати дубликат бериш тўғрисида мурожаат қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида берилади.

9. Агентлик қуйидаги ҳолларда:

аризада кўрсатилган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари содир бўлмаганлиги аниқланганда;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда;

Агентлик ариза берувчи томонидан кўрсатилган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари мажбуриятларни бажармаслик сабаблари ҳисобланмаслиги тўғрисидаги хулосага келган тақдирда сертификат беришни рад қилиш ҳуқуқига эга.

Сертификат бериш рад қилинган тақдирда ариза берилган кундан бошлаб йигирма иш куни мобайнида ариза берувчига асосланган ёзма хулоса юборилади.

Сертификат бериш рад қилинганда ариза берувчи томонидан тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Сертификат беришни рад қилиш, шунингдек аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилиши юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

10. Зарур ҳолларда Агентлик томонидан хўжалик субъектларига, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, хорижий мамлакатларда сертификат бериш, форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш ва сертификат олиш учун ҳужжатларни кўриб чиқишнинг бориши масалалари бўйича маслаҳатлар берилади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **57 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

#### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 15 февраль,  
64-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 15 февралдаги 64-сон қарорига  
ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспорти соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 5 июндаги 245-сон қарорига 2-иловадан «Ўзтранссаноат» республика уюшмаси» блоки чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) 1-иловадан «Ўзйўллойиха» институти минтақалардаги филиаллари билан» блоки чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви республика органлари бошқа-



рув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-иловада:

17-позицияда:

3-устунда «2581» ва «2417» рақамлари тегишли равишда «2746» ва «2582» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-устунда «2067» ва «1947» рақамлари тегишли равишда «2232» ва «2112» рақамлари билан алмаштирилсин;

76-позицияда:

3-устунда «6768» ва «6549» рақамлари тегишли равишда «6751» ва «6532» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-устунда «4996» ва «4772» рақамлари тегишли равишда «4982» ва «4758» рақамлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 августдаги 366-сон қарориди:

1-иловада «Тоштемирйўллойиха» очиқ акциядорлик жамияти» блоки «Кўприкқурилиш» трести» блоки билан алмаштирилсин;

2-иловада «Капитал курилиш дирекцияси, Бинолар ва иншоотларга хизмат кўрсатиш дирекцияси, «Тоштемирйўллойиха» ОАЖ» блокада «Тоштемирйўллойиха» ОАЖ сўзлари «Кўприкқурилиш» трести» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 96-модда):

«Лойиҳалаш ташкилотлари» блокада «Ўзйўллойиха» институти» сўзлари «Йўл-Лойиҳа-Бюроси» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 58 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси) фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2005 йил 4 январдаги 1-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 15 февраль,  
65-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 15 февралдаги 65-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси)ни ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 20 январдаги 33-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 6-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалалари бўйича айрим қарорларини ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарорига 1-илованинг 17-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган республика комиссиялари ва кенгашлари раҳбарларининг таркиблари тўғрисида» 2004 йил 9 февралдаги 60-сон қарорига 1-иловада «Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев бошчилик қиладиган комиссия» бўлимининг 5-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 5-илова.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**59** **Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига ва вилоятлар ҳокимларига қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши, суғориладиган экин майдонларининг фойдаланишдан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси икки ой муддатда:

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — автомобиль йўллари;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — темир йўллар;

«Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси билан биргаликда — нефть-газ етказиб бериш қувурлари;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда — алоқа объектлари;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — энергетика объектлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда — табиий хавф юқори бўлган зоналар;

Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Фанлар академияси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда — техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, баъзиларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 февраль,  
66-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография  
ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия  
назорати инспекцияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Давлат геодезия нazorати инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига кирадиган ташкилот ҳисобланади.

2. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қарорлари ва буйруқларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Инспекция ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Инспекциянинг моддий-техник таъминоти, шунингдек ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Инспекция юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. Инспекциянинг вазифалари ва функциялари**

6. Қўйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
геодезия ва картография фаолияти субъектлари томонидан геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш бўйича норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги геодезия ва картография фаолияти субъектлари устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

картография материалларида ва бошқа ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларининг ҳамда ҳудудларининг тўғри акс эттирилишини назорат қилиш;  
геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш;  
геодезия пунктларини ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикасининг жорий маълумотнома харитасини юритиш.

7. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

геодезия, гравиметрия, топография ва картография ишларининг, маркшейдерлик, лойиха-қидирув, қурилиш ва фойдаланиш ишлари таркибида муҳандислик-гео-

дезия ишларининг, аэрокосмик суратга олиш, хариталарни нашр этиш ва кадастр ишларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажариладиган геоахборот тизимларини барпо этиш ишларининг ташкил этилиши, йўлга қўйилиши, уларнинг техник даражаси ва сифатини, ишларни бажаришда ва геодезия маълумотлари, материаллар, режалар ва хариталарда, космик ва аэрофотосуратлардан фойдаланишда улар томонидан норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

геодезия, картография соҳасида ишларни олиб боришнинг белгиланган тартибига ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига ҳамда давлат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

қўлланиладиган методикалар ва технологияларнинг мувофиқлигини, лойиҳалаштириладиган ишларда бошланғич маълумотлар ва материаллар тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш мақсадида геодезия ва картография ишларини бажаришнинг техник лойиҳалари (дастурлари)ни назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида геодезия ва картография фаолияти субъектлари ҳисобини олиб бориш;

геодезия ва картография ишларида ташкилотлар томонидан координатлар ва баландликларнинг давлат ва маҳаллий тизими қўлланишини назорат қилиш;

геодезия пунктлари сақланиши ва уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта тикланиши таъминланиши бўйича тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

нашр этиладиган хариталар ва атласларда Давлат чегаралари, шельф чегаралари, вилоятлар ва туманлар, шаҳар ва шаҳарчалар, хорижий давлатлар маъмурий чегараларининг ҳамда харита ва атласлардаги бошқа элементларнинг тўғри чизилганлигини, шунингдек аҳоли пунктлари ва жуғрофий объектларнинг тўғри номланганлигини, транскрипциясини назорат қилиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан харита, режа ва атласларни тузиш, нашр этишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

ишлаб чиқариш участкаларини бевосита кўздан кечириш ҳамда техник ва лойиҳа-смета ҳужжатларини текшириш йўли билан геодезия ва картография ишларининг барча турлари бўйича материаллар ва ҳужжатларни назорат қилиш;

геодезия, гравиметрия, картография ва аэросуратга олиш материаллари, топография хариталари ва режалари, космосдан туриб суратга олиш материаллари ҳисоби юритилиши, сақланиши, кўпайтирилиши ва улардан фойдаланилиши ҳолатини текшириш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, идоравий геодезия-картография фондларида геодезия пунктларининг координатлари ва баландликлари, техник ҳисоботлар, топография хариталари ва режалар тўғрисидаги маълумотлар тўпланишини назорат қилиш, ушбу маълумотлар ва материалларнинг Инспекциянинг тегишли розилигисиз тўпланишига йўл қўймаслик;

геодезия ва картография ишларини юритиш масалалари бўйича йўриқномалар, нормалар, қоидалар, стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, шу жумладан ишлар ва аэрокосмик суратга олиш натижалари бўйича маълумотлар ва материалларни тайёрлаш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга геодезия пунктлари ва жуғрофий объектлар координатларини, космик ва аэрофотосуратлар, хариталар, атласлар, жойларнинг макетлари ва бошқа картография материалларини очиқ эълон қилиш ёки кўргазмаларда ва телевиденида намойиш қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳулосалар бериш;

манфаатдор шахсларни геодезия ва картография фаолияти масалалари бўйича ахборотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш.

### III. Инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Инспекция қўйидаги ҳуқуқларга эга:

агар геодезия ва картография ишлари Инспекцияда рўйхатдан ўтказилмасдан ёхуд норматив-техник ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда олиб борилаётган бўлса, ушбу ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

геодезия, картография ишлари ҳамда топография хариталари, режалари, геодезия пунктлари координатлари ва баландликлари тўғрисидаги маълумотларни сақлаш билан боғлиқ хоналарга белгиланган тартибда кириш;

геодезия ва картография ишларининг амалга оширилиши учун жавобгар бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларига геодезия ва картография ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш, шунингдек ушбу ишларни бажариш ва аэрокосмик суратга олишлар натижалари бўйича олинган материаллар (маълумотлар)ни тўплаш, ҳисобини юритиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш билан боғлиқ текширишларни ўтказиш учун экспертларни белгиланган тартибда, шартнома асосида жалб этиш;

геодезия ва картография фаолиятини амалга оширувчи субъектлардан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур ахборотларни сўраш ва бепул олиш;

Инспекция Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, геодезия ва картография фаолияти амалга оширилиши, геодезия ва картография ишлари материаллари ва маълумотларини тўплаш, ҳисобга олиш, сақлаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш билан боғлиқ масалаларнинг давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлаган ҳолда ҳолисона кўриб чиқилиши учун жавоб беради.

### IV. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

10. Инспекцияга «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади. Бошлиқ айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг геодезия назорати бўйича бош давлат инспектори ҳисобланади.

Бошлиқнинг бир нафар ўринбосари — бош муҳандис бўлади, у «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Бош муҳандис айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг геодезия назорати бўйича бош давлат инспекторининг ўринбосари ҳисобланади.

11. Инспекция бошлиғи:

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Инспекция ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва

кўрсатмалар беради ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил қилади;

Инспекция ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Инспекциянинг геодезия ва картография фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган ходимлари геодезия назорати бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

13. Инспекцияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом юридик ва жисмоний шахслар томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини, шунингдек ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади.

3. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар, уларга методик ва бошқа ёрдам кўрсатадилар.

4. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида ерга оид қонун ҳужжатларини тушунтириш тадбирларини амалга оширадилар.

### **II. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари**

5. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза



қилиш устидан назорат бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ерга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

7. Қўйидагилар ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, оқова сувлар билан ифлосланиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадидаги ерлардан, сув фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

8. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси номидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

9. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати бўйича қўйидаги мансабдор шахслари:

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг раиси — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспекторининг ўринбосари;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича катта давлат инспектори;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари — тегишли ҳудудларда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича давлат инспекторлари;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармасининг бўлим бошлиқлари ва мутахассислари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тегишли шўъбалари бошлиқлари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича давлат инспекторлари ҳисобланади.

10. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси номидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўми-



таси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари ўз ваколатларига мувофиқ Давлат табиатни муҳофаза қилиш органларининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслари ҳисобланади.

11. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### **III. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

12. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

а) ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилишини устидан назорат қилиш, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

тупроқ унумдорлигини, шунингдек ерларнинг бошқа хоссаларини қайта тиклаш ва ошириш;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қайта шўрланишдан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда дов-дарахтлар, бегона ўтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашининг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;

агар бошқа усуллар билан тупроқ унумдорлигини тиклаш мумкин бўлмаса, унумсизланган қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш;

бузилган ерларни рекультивация қилиш, уларнинг унумдорлигини ва ерларнинг бошқа фойдали хоссаларини ошириш;

ер бузилиши билан боғлиқ ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш;

б) сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи полосалари учун ер ажратилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш;

в) фойдали конларни қазилар, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон ерлари ва бошқа ерларнинг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши устидан назорат қилиш;

г) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан:

табiiй-иқтисодий шарт-шароитларга мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишларни, деҳқончиликнинг энг самарали ва оқилона тизимини жорий этиш;

хайдаладиган ер майдонлари сақлаб қолинишини таъминлаш;  
мелиоратив жиҳатдан нобоп бўлган суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш, пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш;

д) давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ўлчаш.

13. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни белгиланган тартибда текшириш;

ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш;

ерга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда ер участкаларининг унумсизлини қолганлигини белгилаш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш.

#### **IV. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг амалга оширилиши**

14. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Адлия вазирлигида 2001 йил 26 апрелда 1029 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Назорат органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ерга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатли мансабдор шахслари қонун бузилишининг турларини, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни, аниқ айбдор шахсларни аниқлайдилар ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

#### **V. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги**

16. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ўз фаолиятининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) — давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи кўп мақсадли ахборот тизимидир.

Куйидагилар Давлат кадастрлари ягона тизимига киради:

- давлат ер кадастри;
- конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри;
- хайвонот дунёси давлат кадастри;
- алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
- бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;
- гидротехника иншоотлари давлат кадастри;
- маданий мерос объектлари давлат кадастри;
- автомобиль йўллари давлат кадастри;
- темир йўллар давлат кадастри;
- етказиб бериш қувурлари давлат кадастри;
- алоқа объектлари давлат кадастри;
- энергетика объектлари давлат кадастри;
- чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри;
- табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;
- техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;
- картография-геодезия давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизимига қонун томонидан белгиланадиган давлат бошқа кадастрлари ҳам кириши мумкин.

2. Давлат кадастрлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг алоҳида ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳиятини ягона умумдавлат жиҳатидан комплекс ҳисобга олишни ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади ва юри-тилади.

3. Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодез-кадастр» давлат қўмитаси) томонидан амалга оширилади.

4. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш билан боғлиқ муносабатлар мазкур Низом, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб борилади.

5. Давлат кадастрлари ягона тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-рини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлаш учун мўлжал-ланган.

6. Белгиланган тартибга мувофиқ аниқланган кадастрлар объектларининг

ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, картография-геодезия материаллари, статистик ҳисобга олиш маълумотлари, давлат кадастрлари маълумотлари Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосини ташкил этади. Давлат кадастрлари ягона тизими доирасида ҳудудларни комплекс баҳолаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам жамланади.

Давлат кадастрлари ягона тизимида белгиланган чегараларда ҳар бир ҳисобга олинган ер юзаси участкаси учун унинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда табиий баҳолаш, ҳўжаликлар ва бошқа кадастрлар объектлари тўғрисида ҳужжатлаштирилган маълумотлар бўлиши керак.

7. Ер, конлар ҳамда фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, бинолар ва иншоотлар, шаҳар ва шаҳарчалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, етказиб бериш қувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ қилиш жойлари, техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезия пунктлари ва Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар Давлат кадастрлари ягона тизимининг объектлари ҳисобланади.

8. Давлат кадастрлари ягона тизими объектлари тўғрисидаги маълумотлар республика учун ягона технология (ушбу Низомга илова) бўйича:

давлат ер кадастри бўйича — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси;

конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

давлат сув кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гирометеорология хизмати маркази (табиий сув манбалари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати);

давлат ўрмон кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси;

ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси;

давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, бошқа ваколатли органлар;

маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;

чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

картография-геодезия давлат кадастри бўйича — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тақдим этилади.

Тегишли давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

9. Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлари давлат бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эгадир. Кадастр ҳужжатлари мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шаклларидаги объектлар тўғрисидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотларнинг бошланғич манбаи сифатида қабул қилиниши керак.

10. Қўйидагилар Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

ҳар бир кадастр объектлари тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш;

кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.


11. Амалдаги кадастрлар ва ахборотлар тизимлари доирасида олинган объектларнинг ҳисоби ва рўйхатдан ўтказилиши натижалари Давлат кадастрлари ягона тизимига «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва давлат тегишли кадастрларини юритиш тўғрисидаги низомлар билан белгиланадиган тартибда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бепул берилади.

12. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва маълумотларни тақдим этувчи органларнинг мансабдор шахслари Давлат кадастрлари ягона тизимидаги маълумотларнинг ишончилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

13. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш билан боғлиқ ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия ва картография бошқармаси («Ўзгеодезия») фаолияти масалалари тўғрисида» 1992 йил 24 мартдаги 139-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари ягона тизимини ташкил этиш ва уни юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 17 июлдаги 255-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 7-сон, 21-модда).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисида» 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарорининг 8-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1997 йил 7 августдаги 392-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 27-модда) илованинг 1-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва айрим қарорларига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 25 декабрдаги 534-сон қарори.
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 66-модда) 3-илованинг 1-банди.
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 183-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 37-модда) 4-илованинг 4-банди.

### **II. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўриқланадиган геодезия зоналари ва геодезия пунктларини қўриқлаш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 февралдаги 69-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўриқланадиган геодезия зоналари ва геодезия пунктларини қўриқлаш тўғрисидаги низомнинг 4, 8 ва 9-бандларидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси», «Ўзбекистон Республикаси Геодезия назорати давлат инспекцияси» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси», «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**60** **Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
12 февралда 1449-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 22 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрдаги «Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 604-сонли қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисидаги низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 январь,  
1/7-сон

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 январь,  
47-сон

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 январь,  
16-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,  
Иқтисодиёт вазирлиги ва  
Молия вазирлигининг  
2005 йил 7 январдаги 1/7, 47, 16-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Вазирликлар, идоралар, илмий тадқиқот муассасалари,  
элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар,  
ғўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор  
шахсларнинг якуний натижалар учун  
жавобгарлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Республикада ғўза уруғчилиги ва селекциясига оид чиқарилган қонунлар, Ҳукумат қарорларини ўз вақтида ва тўғри бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда ғўза уруғчилиги ва селекцияси масаласига алоқадор бўлган барча ташкилот раҳбарларининг ва масъул ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган бўлиб, уларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Уруғчилик тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрдаги «Ќўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 604-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**И. Умумий қоидалар**

**Ушбу Низомда қўлланиладиган тушунчалар:**

**уруғлик** — ўсимликнинг нав ва дурагайларни сақлаб қолиш, такрор етиштириш учун ишлатиладиган ботаник донлари ёки бошқа қисмлари;

**сертификатланган (репродукцион) уруғликлар** — давлат стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган уруғликлар;

**дурагай уруғликлар** — туркумдошларни чатиштиришдан олинадиган уруғликлар;

**генетик сифат (нав сифати)** — муайян нав уруғликнинг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

**экинбоплик хусусияти** — уруғликларнинг экишга қанчалик яроқли эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

**уруғлик туркуми** — бир турдаги (муайян экин, нав, репродукция, тоифа, генетик (нав) тозаликдаги, муайян йил ҳосилидан олинган келиб чиқиши бир), ҳужжат билан тасдиқланган махсус жамланган уруғликнинг бир хил миқдори;

**апробация қилиш** — ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини, касалликларга, зарарқунандаларга чидамлилиги ва экишга мўлжалланган уруғликнинг умумий ҳолатини аниқлаш мақсадида далада ўтказилган тадқиқот;

**патент эгаси (лицензиар)** — селекция навининг эгаси, дурагай эгаси ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олган шахс.

**II. Вазирликлар, идоралар, илмий тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекцияси масаласига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Пахтачиликни ривожлантириш кенгашининг раиси, вазирнинг агротехнологиялар масалалари бўйича ўринбосари, Пахтачиликни ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи:**

ғўза уруғчилиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга;

ғўза навларини самарали жойлаштирилишини таъминлашга масъулдирлар.

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг бош директори, Марказнинг илмий котиби, Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва агротехнология бўлимининг бошлиғи, вилоят филиалларининг раҳбарлари:**

ғўза уруғчилиги соҳасида назарий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш борасидаги яратилган янги қўлланмаларни ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жорий этишга;

марказ тасарруфидаги тажриба станциялари ва хўжаликларда илмий тадқиқотларни амалга оширишга;

грантлар асосида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш орқали янги яратилган тезпишар, ҳосилдор ва тола сифати оқ рангли бўлиб, жаҳон талабларига жавоб берадиган навларни ишлаб чиқаришга жорий этишга;

ғўза уруғчилиги ва селекцияси соҳасидаги фан ютуқларини жорий этиш ва деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсия этилган қўлланмалар ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган янгиликлардан кутилган натижа ва самарани таъминлашга масъулдирлар.

**Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг бош директори, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўлим бошлиғи, институт филиаллари директорлари ва тажриба хўжаликлари раҳбарлари:**

институтда яратилган ғўза навларининг турли минтақаларда етиштиришга мос агротехникасини ишлаб чиқиш ва тавсиялар тайёрлашга;

Республиканинг турли тупроқ иқлим шароитларига мос ғўзанинг юқори ҳосилли, эртапишар, тола сифати рақобатбардош, жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб берадиган касаллик ва зараркунандаларга, шўрга ва сувсизликка чидамли, технологик жихатдан мустаҳкам ва тола чиқими юқори, чигити мойдор, экиш ва ҳосилни териб олишни механизациялашга мослашган ўрта ва ингичка толали ғўза навларини яратишга ва жорий этишга;

ғўзанинг турли тупроқ иқлим шароитига мос келадиган янги ва истиқболли навларининг бирламчи уруғларини етиштиришга ва кўпайтиришга;

яратилган ғўза навларининг жорий этиш майдони, бирламчи уруғларининг талаб даражасида етиштирилганлиги ва ушбу навларнинг иқтисодий самарадорлик натижасини таъминлашга масъулдирлар.

**Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг бош директори, ғўза селекцияси ва уруғчилиги билан шуғулланувчи лойиҳалар раҳбарлари, тажриба хўжаликлари директорлари ва янги навлар уруғларини кўпайтирувчи лабораториялар мудирлари:**

Ўзбекистон Фан ва технология марказининг грантлари асосида ғўзанинг янги ўрта ва ингичка толали тезпишар, серҳосил, ҳашарот ва зараркунандаларга чидамли, тола сифати жаҳон талабларига жавоб берадиган, ҳамда экстремал шароитлар-

га (шўрланиш ва сув танқислигига) бардошли бўлган навларини яратиш ва уларнинг бирламчи уруғларини кўпайтириш билан шуғулланишга;

ғўзанинг мавжуд генетик ресурсларини ўрганиш, бойитиш, янгилаш, генетик келиб чиқиши бир хил ва узок ғўза турларини частиштириш, ирсиятга турли услублар орқали таъсир этиш ва ўзгарган шакллар олиш, генетик ресурслардан селекцияда кенг фойдаланиш йўли билан янги ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга;

уруғлик чигит сифатларини ошириш услублари ҳамда ғўзанинг бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослиги услубларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишга масъулдирлар.

Институтнинг юқорида қайд этилган раҳбарларининг фаолияти ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган ва толасининг сифат кўрсаткичлари халқаро андозаларга мос келувчи ғўза навларини яратишга йўналтирилган илмий изланишларни олиб бориш ва жорий этилаётган навларнинг белгиланган шароитда кутилаётган иқтисодий самараси бўйича баҳоланади.

**Республика қишлоқ хўжалиги экинлари бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослик станциясининг директори, бўлим бошлиқлари ва лаборатория мудирилари, лойиҳалар раҳбарлари:**

ғўзанинг бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослигининг муқобил илмий асослари ва тизимини ишлаб чиқиш ва мукамаллаштиришга;

юқори сифатли суперэлита, элита ва биринчи авлод уруғлари етиштириш самарадорлигини ошириш усулларини ҳамда уруғчилик бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, уруғлик етиштиришнинг техник шартларини тайёрлашга масъулдир.

Яратилган услубий қўлланмалар ва усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали етиштириладиган кўп ва юқори сифатли маҳсулот миқдори станциянинг якуний иш натижаси ҳисобланади.

Станциянинг фаолияти яратилган услублардан олинadиган якуний натижа билан баҳоланади.

**Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг раиси, Пахта ва бошқа техник экинлари навларини синаш бўлимининг бошлиғи:**

нав оригинаторлари томонидан яратилган янги ғўза навларининг синовини турли минтақаларда жойлашган нав синаш шохобчаларида юқори агротехника шароитида олиб бориш, навларни ҳар томонлама объектив ва синчиклаб баҳолашга;

турли тупроқ иқлим шароитида етиштиришга мослашган, ҳашарот ва зараркундаларга чидамли истиқболли навларни ажратиш олишга;

кенг миқёсда ишлаб чиқаришда синаб кўриш, улардан энг юқори наводор ва ҳосилдор кўрсаткичга эга бўлганларини Давлат реестрига киритишга масъулдирлар.

Давлат нав синаш комиссияси томонидан ишлаб чиқаришга тавсия қилинган ва жорий этилган янги ғўза навларининг агротехник тадбирлари тўғри бажарилганда кўзда тутилган самарага эришилишига масъулдир.

**Республика Ғўза уруғчилиги маркази бошлиғи, элита ва авлодли уруғликлар етиштириш бўлимининг бошлиғи, вилоят пахта уруғчилиги бирламчаларининг раислари:**

давлат реестрига киритилган ғўза навларининг сифатли элита ва юқори репродукцияли уруғларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга;

элита уруғларини етарли ҳажмда тайёрлаш ва наводорликнинг давлат стандарти талабларига мувофиқ бўлишини ҳамда асосий пахта майдонларини элита,  $R_1$ ,  $R_2$  ва қисман  $R_3$  уруғликлари билан экилишини таъминлашга;

бир йиллик захира фонди учун тайёрланаётган уруғликларнинг сифатини Давлат стандартларига жавоб берадиган ҳолда тайёрлашга;

уруғчилик хўжалиklarини тендер асосида танлаб олишга ва белгиланган талаблар асосида уруғлик етиштиришга;

ғўза навларининг тасдиқланган тартибига қатъий риоя этган ҳолда жойлаштиришга;

Марказнинг юқорида кўрсатилган раҳбарлари Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли уруғлик пахтани етиштиришга масъулдирлар.

**Давлат реестрига киритилган ва Республика ҳудудларига тавсия этилган ғўза навларининг суперэлиита, элита ва биринчи авлод уруғларини етиштирувчи элита уруғчилик хўжалиklarининг ҳамда пахта етиштирувчи хўжалиklarнинг раислари ва бош агрономлари:**

дастлабки уруғ кўпайтириш хўжалиklarидан ёки нав оригинаторларидан якка танлов, оилавий терим уруғларини нав муаллифлари тавсия этган услуб бўйича кўпайтиришга;

уруғлик экилган майдонларини бегона нав ўсимликларидан тозалашга, энг яхши якка танловлар ҳамда оилавий теримлар тайёрлашга;

тайёрланган уруғлик пахтани лаборатория таҳлилидан ўтказишга, олинган маълумотларни умумлаштириш ва яроқсиз оилаларни чиқариб ташлашга;

касал келтирувчи бегона экинларни уруғлик майдонлари атрофига экилмаслиги ҳамда бошқа навлар билан чатиштиришга йўл қўймасликка;

суперэлиита ва элита майдонларни жойлаштириш учун сув билан яхши таъминланган ҳосилдор (унумли) ерларни танлашга, барча агротехник тадбирларга риоя қилишга, кўпайтирилаётган уруғларнинг нав тозалигига масъулдирлар.

**«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг раиси, тегишли бўлим бошлиқлари, вилоятлар Пахтасаноат бирлашмалари ва уруғлик пахтани қайта ишловчи корхоналари раҳбарлари:**

уюшма тизимидаги уруғчиликка ихтисослаштирилган махсус пахта тозалаш корхоналари хўжалиklarда етиштирилган уруғлик пахтани ДСТ 642-95 стандарти, «Пахта тайёрлаш, қабул қилиш ва сақлаш» йўриқнома талабларига асосан қабул қилиш ва сақлашга;

«Уруғлик пахтани дастлабки қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш регламенти» ПДКИ-44-2002 «Уруғлик чигитни дорилаш бўйича тавсиянома»га асосан дорилашга;

ғўза навларини жойлаштиришнинг тасдиқланган тартибига қатъий риоя этган ҳолда уруғлик чигит етказиб беришга;

уруғлик чигитни дорилаш, тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг белгиланган муддатларига қатъий риоя этишга;

захирага қолдирилган уруғлик чигитни стандартлар асосида сақланишини таъминлашга ва ундан кейинги фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг рухсати билан амалга оширишга масъулдирлар.

Уюшманинг юқорида қайд этилган раҳбарлари уруғлик пахтани белгиланган тартибда қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, тозалаш, саралаш, туксизлантириш, дорилаш ва дориланган чигитларни ўрнатилган тартибда омборларда сақлаб, экиш мавсумида пахта етиштирувчи хўжалиklarга ўз вақтида етказиб бериш учун жавобгардир.

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш Давлат маркази «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг бошлиғи, Дала назорати бўлими бошлиғи, Марказий синов лаборатория мудири, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят «Давуруғназоратмаркази» ва пахта уруғчилик лаборатория мудирлари:**

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлигини ва уруғ сифатини назорат қилишга;  
қишлоқ хўжалик экинлари уруғларни сертификациялашга;  
уруғлар сифатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишга, такомиллаштиришга, уруғ етиштириш ва сифатини аниқлаш бўйича Давлат стандартларини, янги услубий қўлланмалар ва йўриқномаларни ишлаб чиқишга;  
қишлоқ хўжалиги экинларининг районлашган ва истикболли навларни нав софлигини методик асосида таҳлил қилишга;  
ғўза навларининг тасдиқланган жойлаштириш тартибига риоя этилган ҳолда экилишини назорат қилишга;  
уруғликка олинадиган қишлоқ хўжалик экинлари апробациясини тўғри ўтказишини назорат қилишга, лаборатория таҳлилларидан ўтказилган уруғликларни архивда тўғри сақлашга;  
лабораториялар томонидан уруғликнинг стандартлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи хулосаларнинг ҳаққонийлигига;  
белгиланган тартибда тендердан ўтмаган уруғчилик хўжаликларидан уруғлик пахтани ихтисослашган пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилинишини тақиқлашга масъулдирлар.

### **III. Ғўза уруғчилиги ва селекцияси масаласига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш ва улар томонидан етказилган молиявий зарарни қоплаш тартиби**

Ушбу Низомнинг II-бўлимида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминламаган ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаган мансабдор шахслар қонунларда белгиланган тартибда моддий, интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Мансабдор шахсларнинг айбдорлик даражасини ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан уруғчилик ва селекция соҳасига оид олимлар ва мутахассислар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат бўлган идоралараро комиссия томонидан амалга оширилади.

Идоралараро комиссиясининг ваколатлари:

белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминламаган ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларнинг айбдорлик даражасини аниқлашдан;

мансабдор шахслар томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бажарилишини таъминламаганлиги ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаганлиги оқиба-тида етказилган зарарни аниқлашдан;

ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича ваколатли орган ёки раҳбарларга таклифлар киритишдан;

белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминламаган ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаган масъул ходимлар томонидан етказилган моддий зарарларни ундириш тўғрисида даъво аризалари киритишдан;

белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминламаган ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаган масъул ходимларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларига киритишдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**61** Минерал ўғитлар (аммиакли селитрадан ташқари), дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш бўйича ярмарка савдоларини ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 16 февралда 1450-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 26 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 33-сонли қарорига мувофиқ («Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил 3-сон, 33-модда) **қарор қиламиз:**

1. Минерал ўғитлар (аммиакли селитрадан ташқари), дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш бўйича ярмарка савдоларини ўтказиш тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
48-сон

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
125-сон

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
02-20/102-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**62** Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
16 февралда 1451-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 26 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 апрелдаги «Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 204-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 17-сон, 200-модда) **қарор қиламиз:**

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
49-сон

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
124-сон

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
15/1378-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. ЖўРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 декабрь,  
02-20/101-сон

ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НОЗИРЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БЎЙРУҒИ

**63 Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
16 февралда 1452-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 26 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига мувофиқ Дававианазорат томонидан Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидалари ишлаб чиқилди, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидалари\* (янги таҳрири) тасдиқлансин.

2. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат нозирлиги бошлиғи 1999 йил 6 апрель куни тасдиқлаган ва 1999 йил 30 июлда 786-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидалари» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Авиацион қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

4. Иш бошқарувчи томонидан девонхона билан ҳамкорликда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида Авиацион қоидалар кўпайтирилиб, барча авиакомпаниялар ва манфаатдор ташкилотларга тарқатилиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқ бажарилиши устидан назорат Сертификатлаш, лицензиялаш ва парвоз хавфсизлиги устидан назорат бошқармаси бошлиғининг зиммасига юклатилсин.

**Дававианазорат бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 январь,  
3-сон

---

\* Қоидалар рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 12 февралдан 18 февралгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 7 январдаги 1/7, 47, 16-сон қарори.*

*2005 йил 12 февралда 1449-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 22 февралдан кучга киради).*

2. «Минерал ўғитлар (аммиакли селитрадан ташқари), дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш бўйича ярмарка савдоларини ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 14 декабрдаги 48-сон, 125-сон, 02-20/102-сон қарори.*

*2005 йил 16 февралда 1450-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 26 февралдан кучга киради).*

3. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 14 декабрдаги 49-сон, 124-сон, 15/1378-сон, 02-20/101-сон қарори.*

*2005 йил 16 февралда 1451-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 26 февралдан кучга киради).*

4. «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2005 йил 7 январдаги 3-сон буйруғи.*

*2005 йил 16 февралда 1452-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 26 февралдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назо-*

рат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган (1999 йил 30 июль, рўйхат рақами 786).

*Адлия вазирининг 2005 йил 16 февралдаги 31-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**